

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИЯРОВА ЛОЛА АБДИЖАББОРОВА

**ИССИҚХОНАЛАРДА ҲАВОГА ИССИҚЛИК-НАМЛИК ИШЛОВ БЕРИШ
УЧУН ГЕЛИОҚИЗДИРИШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари
асосидаги энергия қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Алиярова Лола Абдижабборовна

Иссиқхоналарда ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш учун
гелиоқиздириш тизимини ишлаб чиқиш 3

Алиярова Лола Абдижабборовна

Разработка гелионагревательной системы для тепловлажностной
обработки воздуха в теплицах 23

Aliyarova Lola Abdizhabborovna

Development of a solar heating system for heat and humidity treatment of
air in greenhouses 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК – ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

АЛИЯРОВА ЛОЛА АБДИЖАББОРОВА

**ИССИҚХОНАЛАРДА ҲАВОГА ИССИҚЛИК-НАМЛИК ИШЛОВ БЕРИШ
УЧУН ГЕЛИОҚИЗДИРИШ ТИЗИМИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.05.06 – Қайта тикланадиган энергия турлари
асосидаги энергия қурилмалари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2018.1.PhD/Т605 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.qmii.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Узоқов Гулом Норбоевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: Мирзаев Шавкат Мустақимович
техника фанлари доктори, профессор
Ахатов Жасуржон Саидович
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация химояси Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳузуридаги PhD.03/30.09.2020.Т.111.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «11» 02 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти конференциялар зали. Тел.: (99875) 224-02-89; факс: (99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Диссертация билан Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 14 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180100, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225-уй. Тел.: (99875) 224-02-89; факс: (99875) 224-13-95, e-mail: kiei_info@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «28» 01 кун тарқатилди.
(2022 йил «27» 01 даги № 7 - рақамли реестр баённомаси).



Б.Э. Хайридинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
техника фанлари доктори, профессор

Х.А. Давланов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ишмий котиби, техника фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Б. Уришев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳондаги ривожланган мамлакатларни энергетик стратегиясининг таҳлили шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг турли соҳаларида энергия самарадорликни ошириш, анъанавий энергия ресурсларини тежаш муҳим йўналишлар этиб белгиланган. Европа иқтисодий ҳамжамияти комиссиясининг маълумотларига кўра, қишлоқ хўжалигида 75 фоиздан кўп иссиқлик энергияси иссиқхоналарни иситиш учун сарфланади. Бунда иссиқхона маҳсулотларининг таннархида энергия харажатларининг улуши 40-60 фоизни ташкил қилади¹. Шу сабабли, дунёда ёқилғи-энергетика балансини қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ҳисобига диверсификациялаш ва энергия тежамкор инновацион технологияларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади².

Жаҳонда иссиқхона комплексларининг иссиқлик таъминоти тизимларини такомиллаштириш, қайта тикланадиган энергия манбаларини қўллаш ва иссиқлик-техник параметрларини оптималлаштириш орқали энергия самарадорлигини ошириш ҳамда анъанавий энергия ресурсларини сарфини камайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, энергия тежамкор иссиқлик таъминоти тизимларини ишлаб чиқиш, куёш энергиясидан самарали фойдаланиш асосида иссиқхона иншоотларида технологик жараёнларнинг энергия сарфини камайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланади. Шу сабабли, иссиқхона ҳавосига иссиқлик-намлик ишлов бериш тизими учун энергия тежамкор гелиоқиздириш қурилмаларини яратиш ва уларнинг асосий иссиқлик-техник параметрларини асослашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда аҳолини сифатли мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида энергия сарфи камайишини таъминловчи янги замонавий энергия самарадор иссиқхона комплексларини қуриш ишлари амалга оширилиб, ҳимояланган тупроқ иншоотларини ривожлантириш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4020-сон қарорида «...муқобил энергия манбалари, энергия самарадор ва энергия тежамкор технологиялардан фойдаланиб замонавий иссиқхона мажмуаларини яратиш...»³ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун гелиоқиздириш тизимли энергия тежамкор иссиқхона мажмуалари ва ҳимояланган тупроқ иншоотларини яратиш долзарб илмий-техник вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланадиган энергия манбалари асосида энергия тежамкор технологиялар ва тизимларни жорий қилиш, энергия сарфини камайтириш бўйича қабул қилинган 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва

¹ Пенджиев А.М. Термический режим в комбинированных культивационных сооружениях. // Гелиотехника. – Ташкент, 2018. – №2. – с. 47-58.

² Аллаев К.Р. Энергетика нуждается в стратегии. // Экономическое обозрение. – Ташкент, 2018. – №6(222). – с. 40-47.

³ Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4020 от 20 ноября 2018 года «О создании дополнительных мер для развития тепличных комплексов».

ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4020-сон “Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг IV. “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ривожлантириш, нанотехнологиялар, фотоника ва бошқа замонавий илғор технологиялар ва қурилмаларни яратиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иссиқхоналарнинг иссиқлик таъминоти тизимларида гелиоқурилмалардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотларни ривожлантиришга таниқли хорижлик олимлар, жумладан, В.В. Есин, А.Г. Егизаров, М.С. Илюхин, В.В. Харченко, А.Р. Мазаев, Л.Г. Прищеп, Л.Е. Рыбакова, Р.Б. Байрамов, Б.И. Казанджан, Ю.Т. Кравченко, А.М. Пенджиев, А.И. Исманжановлар қатта ҳисса қўшган.

Республикамизда иссиқхоналарда талаб этиладиган иссиқлик-намлик режимларини таъминлаш учун гелиоқиздириш қурилмаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш борасида етакчи олимлар Р.А. Захидов, Р.Р. Аvezов, Ю.Н. Якубов, Ш.М. Мирзаев, А.Б. Вардияшвили, Н.Р. Аvezова, Ғ.Н. Узоқов, З.С. Исқандаров ва Б.Э. Хайриддиновлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, улар томонидан иссиқхоналарнинг иссиқлик-намлик режимларини такомиллаштириш, қуёш қурилмаларини қўллаш асосида энергия самарадор иссиқхоналарни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган ҳамда қуёш энергиясини аккумуляциялашнинг самарадор усуллари ва ҳимояланган тупроқ иншоотларида зарур микроклимни яратиш учун гелиоқурилмалар ишлаб чиқилган.

Эришилган ижобий илмий натижаларга қарамасдан, ҳозирги вақтда иссиқхоналарнинг оптимал микроклиминини яратиш учун ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимларида паст потенциалли қуёш иссиқлигинини самарали қўлланилиши етарлича ўрганилмаган. Шу сабабли, иссиқхоналар ҳавосига иссиқлик-намлик ишлов бериш учун самарадор гелиоқиздириш тизимини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИОТ-2016-3-8 “Қуёш энергиясининг сувли аккумулятори асосида мева-сабзавот омборлари ҳавосини намлантириш тизимини жорий этиш” мавзусидаги инновацион лойиҳа (2016-2017 й.й), ИТД-4-

06 “Қайта тикланувчи энергия манбалари асосида совутиш камераларининг энергия тежамкор ёпиқ энергия таъминоти ва вентиляция тизимини ишлаб чиқиш” (2012-2014 й.й.) мавзусида давлат илмий-техникавий дастурининг амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади паст потенциалли қуёш қурилмаларидан фойдаланиб иссиқхона ҳавосига иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимини ишлаб чиқиш ва параметрларини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимли гелиоиссиқхоналарнинг ҳарорат-намлик режимларини математик моделлаштириш ва асосий иссиқлик-техник параметрларини аниқлаш;

иссиқхоналарни вентиляция ҳавосига иссиқлик-намлик ишлов бериш учун комбинациялашган сув-ҳаво коллекторли гелиоқиздириш тизимининг иссиқлик схемасини ишлаб чиқиш;

иссиқхоналарни вентиляция ҳавосига иссиқлик-намлик ишлов бериш учун комбинациялашган қуёш коллекторли ва аралаштирувчи иссиқлик алмаштиргичли гелиоқиздириш қурилмасини ишлаб чиқиш;

вентиляция ҳавосига иссиқлик-намлик ишлов берадиган гелиоқиздириш қурилмасининг иссиқлик-гидродинамик режимларини моделлаштириш ва тадқиқот қилиш;

қуёш энергиясининг сувли аккумулятори асосида шамоллатиш ҳавосини намлантириш тизимини ишлаб чиқиш;

гелиоқиздириш қурилмаларидан фойдаланиб иссиқхона ҳавосига иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимининг техник-иктисодий кўрсаткичларни аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гелиоқиздиргич қурилмали иссиқхоналарнинг иссиқлик-намлик режимлари ва ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш учун паст потенциалли гелиоқиздириш қурилмалари, ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимида иссиқлик ва масса алмашинув жараёнлари, гелиоқурилмали иссиқхоналарнинг ҳарорат ва намлик режимлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш, иссиқлик техникасининг назарий асослари, иссиқлик технологик жараёнларни тажрибавий тадқиқот қилиш ва тажриба натижаларини умумлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қуруқ-иссиқ иқлим шароитида иссиқхоналарда талаб этиладиган ҳарорат-намлик режимини таъминлаш учун вентиляция ҳавосига иссиқлик-намлик билан ишлов берувчи гелиоқиздириш тизимининг такомиллаштирилган иссиқлик схемаси ишлаб чиқилган;

иссиқхоналарни ҳавосини қиздириш, совутиш, намлантириш, қўшимча иссиқ сув олиш ва вентиляция ҳавосига иссиқлик-намлик билан ишлов бериш учун комбинациялашган сув-ҳаволи қуёш коллекторли ва аралаштирувчи иссиқлик алмаштиргичли гелиоқиздириш қурилмаси ишлаб чиқилган;

атроф-муҳит, ички ҳаво ва иссиқхона девори конструкциясини иссиқлик-техник параметрларини ҳисобга олган ҳолда вентиляция ҳавосига иссиқлик-намлик билан ишлов берувчи гелиоқиздириш тизимли иссиқхонанинг ҳарорат-намлик режимини ҳисоблаш имконини берадиган математик модел ишлаб чиқилган;

комбинациялашган сув-ҳаволи қуёш коллектори иссиқлик-гидродинамик режимларининг тажрибавий тадқиқоти натижаларини умумлаштириш асосида қуёш коллекторининг қувурларида гидравлик қаршилик ва иссиқлик бериш коэффицентини аниқловчи эмпирик тенгламалар олинган;

қуёш энергиясининг сувли аккумулятори асосида вентиляция ҳавосини намлантирувчи иссиқлик технологик қурилма таклиф этилган ва энергетик самарадорлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иссиқхонани вентиляция ҳавосига иссиқлик-намлик билан ишлов берувчи сув-ҳаволи қуёш коллекторли гелиоқиздириш тизими ва унинг такомиллаштирилган иссиқлик схемаси яратилган;

иссиқхонани вентиляция ҳавосига иссиқлик-намлик билан ишлов бериш ва ички ҳавони ўта қизишини бартараф этиш имконини берадиган комбинациялашган қуёш қурилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги табиий шароитда замонавий асбоб-ускуналар ва тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда олинган кўп сонли тажриба натижалари билан асосланади, иссиқлик-техник тажрибаларни ўтказиш ва натижаларни қайта ишлашнинг умум эътироф этилган усуллари қўлланилганлиги, ишлаб чиқариш тажриба натижалари, бир хил дастлабки шароитларда ҳисобий ва тажриба натижаларини мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқхоналарда микроклимни таъминлаш тизимларида кечадиган ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш жараёнларида аралаштирувчи иссиқлик алмаштиргичли комбинациялашган қуёш коллекторидан фойдаланиш тўғрисидаги илмий-назарий тушунчаларни кенгайтириши ва комбинациялашган қуёш коллектори қувурларида гидравлик қаршилик ва иссиқлик бериш коэффицентларини аниқлайдиган эмпирик тенгламалар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти анъанавий энергия манбалари сарфини камайишини таъминловчи гелиоқиздириш қурилмали ҳавога иссиқлик-намлик билан ишлов бериш тизимини ишлаб чиқиш ва иссиқхона мажмуаларида ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш учун самарадор гелиоқиздиргичларни кенг қўламда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иссиқхона ҳавосига иссиқлик-намлик билан ишлов бериш учун гелиоқиздириш тизимини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳавога иссиқлик-намлик ишлов берувчи комбинациялашган сув-ҳаволи қуёш коллекторли энергия тежамкор гелиоқиздириш тизими Қашқадарё вилоятининг “Қашқадарё парник таракқиёт инвест” МЧЖ иссиқхонасида жорий қилинган

(Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2021 йил 15 декабрдаги №02/022-5081-сон маълумотномаси). Натижада, фойдали майдони 100 м² бўлган иссиқхонада бир мавсум давомида 12792÷12800 кВт-соат электр энергияси тежалишига эришилган.

иссиқхона вентиляция ҳавосига иссиқлик-намлик ишлов бериш учун комбинациялашган қуёш коллекторли ва аралаштирувчи иссиқлик алмаштиргичли гелиоқиздириш қурилмаси Қашқадарё вилоятининг “Тараққиёт сари” МЧЖ иссиқхона хўжаликларида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2021 йил 15 декабрдаги №02/022-5081-сон маълумотномаси). Натижада, майдони 100 м² бўлган иссиқхонада мавсум давомида 22...25% шартли ёқилғи тежалишига эришилган;

ҳавога иссиқлик-намлик ишлов берувчи гелиоқиздириш тизими бир гектар майдонли иссиқхоналарда жорий этилган (Қишлоқ хўжалик вазирлигининг 2021 йил 15 декабрдаги №02/022-5081-сон маълумотномаси). Натижада, анъанавий тизимда ишловчи иссиқхоналарга нисбатан 377,6 млн. сўм иқтисод қилиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 2 та ҳалқаро ва 3 та республика анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шу жумладан, 2 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган 2 та ҳалқаро ва 4 та республика журналларида илмий мақолалар нашр қилинган ҳамда ЭХМ учун 2 та дастурий маҳсулотга муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган ҳамда республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Гелиоиссиқхона ҳавосига иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимининг замонавий ҳолати таҳлили**” деб номланган биринчи бобида жаҳон амалиётида қўлланилаётган гелиоиссиқхоналарда ҳавога иссиқлик-намлик билан ишлов бериш тизимлари, гелиоиссиқхоналарда ҳавога иссиқлик-намлик билан ишлов бериш усуллари, шунингдек, гелиоиссиқхона ҳавосига иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимида қўлланиладиган гелиоқиздириш қурилмаларининг

таҳлили келтирилган. Бажарилган илмий-тадқиқотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, баҳорги-кузги даврда гелиоиссиқхоналарда ички ҳавони ўта қизиқ кетиш муаммолари кам ўрганилган. Эришилган муҳим натижаларга қарамасдан, ҳавога иссиқлик-намлик билан ишлов бериш тизимларидаги технологик жараёнларда энергия сарфини камайтириш масалалари етарлича ўрганилмаган, шунингдек, иссиқхона ҳавосига иссиқлик-намлик ишлов бериш учун комбинациялашган сув-ҳаво қуёш коллекторидан фойдаланиш имкониятлари етарлича тадқиқот қилинмаган. Ўтказилган илмий-таҳлил асосида ва иссиқхоналарнинг иссиқлик таъминоти тизимларида энергия тежаш соҳасида тадқиқотлар кўламининг кенгайтириш тенденцияларини ҳисобга олиб диссертациянинг мақсади ва вазифалари шакллантирилди.

Диссертациянинг “**Ҳавога иссиқлик-намлик билан ишлов бериш тизимли гелиоиссиқхоналарнинг ҳарорат-намлик режимининг ҳисобий тадқиқоти**” деб номланган иккинчи бобида ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимли гелиоиссиқхоналарнинг ҳарорат-намлик режимининг математик модели ва назарий тадқиқот натижалари, ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимли гелиоиссиқхоналарнинг иссиқлик балансини энергетик таҳлили, шунингдек, гелиоиссиқхоналарда термодинамик жараёнларни нам ҳавонинг *i-d* диаграммасидан фойдаланиб ҳисоблаш натижалари келтирилган.

Ҳарорат-намлик режимини тадқиқот қилиш учун фойдали майдони 100 м² бўлган пленка қопламали тажриба гелиоиссиқхона яратилган. Тажриба қуёш иссиқхонасининг ҳарорат-намлик режимини математик модели 1-расмда кўрсатилган ҳисобий схема асосида тузилган.



1-расм. Ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимли гелиоиссиқхонанинг ҳарорат-намлик режимини ҳисобий схемаси.

Тунги режимда қуёш радиацияси ҳисобга олинмаганда тажриба гелиоиссиқхонанинг иссиқлик баланси тенгламаси куйидаги кўринишга эга:

$$\rho V C_{p\text{Ҳаво}} \frac{dt(\tau)}{d\tau} = Q_{\text{иси}} - (\sum Q_{\text{дев}} + Q_{\text{ҲИНИБ}}) \quad (1)$$

Иссиқхонага иситиш тизимидан узатилган иссиқлик миқдори:

$$Q_{\text{иси}} = G_{\text{иссиқ}} C_{\text{иссиқ}} (t_6 - t_0) \quad (2)$$

Иссиқхонанинг деворлари орқали йўқотиладиган иссиқлик:

$$Q_{\text{дев}} = \sum k F (t_{\text{и}} - t_{\text{т}}) \quad (3)$$

Шамоллатиш ҳавоси орқали йўқотиладиган иссиқлик:

$$Q_{\text{ХИНИБ}} = G_{\text{ш.х}} C_{\text{хаво}} (t_{\text{и}} - t_{\text{т}}) \quad (4)$$

(1-4) тенгламаларни Эйлер методи билан ечиш орқали иссиқхона иссиқлик балансининг умумий ечимини ифодаловчи қуйидаги тенглама олинган:

$$t(\tau) = \frac{\left[\frac{G_{\text{иссиқ}} C_{\text{иссиқ}} (t_{\text{б}} - t_0) - t_{\text{б}} (\sum kF + G_{\text{ш.х}} C_{\text{хаво}})}{(\sum kF + G_{\text{ш.х}} C_{\text{хаво}})} \right] \left(e^{\frac{(\sum kF + G_{\text{ш.х}} C_{\text{хаво}}) \tau}{\rho V c_{p \text{ хаво}}}} - 1 \right) + t_0}{e^{\frac{(\sum kF + G_{\text{ш.х}} C_{\text{хаво}}) \tau}{\rho V c_{p \text{ хаво}}}}}. \quad (5)$$

Тадқиқот қилинган тажриба гелиоиссиқхонасининг намлик баланси тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\rho V \frac{dX(\tau)}{d\tau} = G_{\text{ш.х}} X_{\text{ш.х}} - G_{\text{чиқ}} X + G_{\text{нам}} \quad (6)$$

Бир нечта математик ўзгартиришлардан сўнг ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимли гелиоиссиқхонасининг намлик баланси тенгламасининг ечими бошланғич шартлар $\tau = 0$; $X(\tau) = X(0)$ бўлганда қуйидаги кўринишда олинган:

$$X(\tau) = \frac{\left(\frac{G_{\text{ш.х}} X_{\text{ш.х}} + G_{\text{нам}}}{G_{\text{чиқ}}} \right) \left(e^{\frac{G_{\text{чиқ}} \tau}{\rho V}} - 1 \right) + X_0}{e^{\frac{G_{\text{уш}} \tau}{\rho V}}}. \quad (7)$$

Кундузги режимда қуёш радиацияси ҳисобга олинганда иссиқхонасининг иссиқлик баланси тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\rho V C_{\text{рвоз}} \frac{dt(\tau)}{d\tau} = Q_{\text{от}} + Q_{\text{р}} - (\sum Q_{\text{огр}} + Q_{\text{ТВОВ}}) \quad (8)$$

Қуёш радиациясининг иссиқхонага тушадиган умумий оқими:

$$Q_{\text{р}} = \bar{q}_{\text{туш}} k_{\text{ўтк}} \alpha_{\text{ўтк}} F \quad (9)$$


$\tau = 0$; ($t = t_0$) бошланғич шартларни ҳисобга олиб, бир нечта математик ўзгартиришлардан сўнг қуйидаги охириги умумий ечим олинган:

$$t(\tau) = \frac{\left[\frac{G_{\text{исс}} C_{\text{исс}} (t_{\text{б}} - t_0) + \bar{q}_{\text{туш}} k_{\text{ўтк}} \alpha_{\text{ўтк}} F + t_{\text{б}} (\sum kF + G_{\text{ш.х}} C_{\text{хаво}})}{(\sum kF + G_{\text{ш.х}} C_{\text{хаво}})} \right] \left(e^{\frac{(\sum kF + G_{\text{ш.х}} C_{\text{хаво}}) \tau}{\rho V c_{p \text{ хаво}}}} - 1 \right) + t_0}{e^{\frac{(\sum kF + G_{\text{ш.х}} C_{\text{хаво}}) \tau}{\rho V c_{p \text{ хаво}}}}}. \quad (10)$$


Тажриба иссиқхонасининг иссиқлик-намлик режимларини моделлаштириш Matlab дастурида бажарилган ҳисоблари натижалари 2-7-расмларда кўрсатилган.

Иссиқхонасининг ҳарорат-намлик режимларини моделлаштириш натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, фойдали майдони 100 м² бўлган тажриба гелиоиссиқхонасида йилнинг қишги мавсумида (Қарши шаҳри шароити учун) зарур ҳарорат режимини (+18...+20°C) яратиш учун $G_{\text{и.т}} = 0,4$ кг/с иссиқлик ташувчининг сарфи талаб этилади (2 ва 3-расм).


Қиш мавсумида ташқи ҳаво ҳарорати $t_{\text{т}} = 0 \dots -5^\circ\text{C}$ бўлганда иссиқхонада зарур $t_{\text{х}} = 20^\circ\text{C}$ ҳароратни таъминлаш учун иссиқхона иситиш тизимининг иссиқлик юкламаси 18...24 кВт ни ташкил этади (5-расм).




2-расм. Иссиқхона ички ҳавоси ҳароратини иситиш тизими иссиқлик ташувчиси сарфига ва вақтга боғлиқ ҳолда ўзгариши графиги ($\tau = 0 \div 1000$ сек).




4-расм. Иссиқхона ички ҳавоси намлигини намлик сарфига боғлиқ ҳолда ўзгариши графиги ($\tau = 0 \div 7000$ сек бўлганда).




6-расм. Иссиқхона иситиш тизими иссиқлик қувватини ташқи ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда ўзгариши графиги ($q_{\text{туш}}^- = 200 \div 500$ Вт/м² бўлганда).



3-расм. t_x ни $G_{\text{и.т}}$ ва τ га боғлиқлик графиги ($\tau = 0 \div 4000$ сек).



5-расм. Тажриба иссиқхонасининг иситиш юклагасини ташқи ҳаво ҳароратига боғлиқ ҳолда ўзгариши графиги ($q_{\text{туш}}^- = 0$).



7-расм. Тажриба иссиқхонаси ички ҳавоси ҳароратини қуёш иссиқлик оқими ҳисобга олинганда вақт бўйича ўзгариши графиги (иситиш тизими ишлаганда).

Агар иссиқхонанинг умумий иссиқлик балансига қуёш радиацияси таъсирини ҳисобга олсак, у ҳолда $q_{\text{туш}} = 300$ Вт/м² шароитда иситишга зарур иссиқлик юклагаси икки марта камаяди ($t_T = -10^\circ\text{C}$) (6-расм).

Тадқиқотларда олинган маълумотларга мувофиқ иссиқхонада оптимал +18...+20°C ҳарорат режимини таъминлаш учун иссиқхонани иситишга зарур иссиқлик юклага ташқи ҳаво ҳарорати $t_T = -6^\circ\text{C}$ бўлганда $Q_{\text{исси}} = 22 \dots 24$ кВт ни ташкил этади. Шунингдек, иссиқхона иссиқлик балансини моделлаштириш асосида иситиш тизими ишлаганда иссиқхона ички ҳавосининг ҳароратини вақт ва қуёш иссиқлик оқими га боғлиқ ҳолда ўзгариш графиги олинган (7-расм).

Шундай қилиб, гелиоиссиқхона ҳарорат-намлик режимини ишлаб чиқилган математик модели ҳудуднинг ташқи ҳаво ҳарорати ва тушадиган қуёш радиацияси ўзгаришига боғлиқ равишда иссиқлик юкламасини бошқариш имконини беради.

Қарши шаҳри табиий иқлим шароитида фойдали майдони 100 м² бўлган тажриба гелиоиссиқхонасининг иссиқлик балансини ҳисоблаш амалга оширилган. Иссиқлик балансини ҳисоблаш натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Фойдали майдони 100 м² бўлган тажриба гелиоиссиқхонаси иссиқлик балансининг иссиқлик-техник параметрлари

№	Гелиоиссиқ-хонанинг иш режимлари	$t_r, ^\circ\text{C}$	$t_i, ^\circ\text{C}$	$Q_{\text{дев}}, \text{кВт}$	$Q_{\text{инф}}, \text{кВт}$	$Q_p, \text{кВт}$	$Q_{\text{хин}}, \text{кВт}$	$Q_{\text{ис}}, \text{кВт}$
ҳарорат $t_r = 0^\circ\text{C}$ бўлганда								
I	Тунги режим	0	18	15,66	3,13	-	-	18,79
II	Кундузги режим	0	18	15,66	3,13	7,35	5,4	9,64
ҳарорат $t_r = -6^\circ\text{C}$ бўлганда								
I	Тунги режим	-6	18	20,1	5,01	-	-	25,1
II	Кундузги режим	-6	18	20,1	5,01	4,9	4,0	16,21

Тажриба иссиқхонаси иссиқлик балансининг энергетик таҳлили шуни кўрсатадики, иссиқхонани тунги ишлатиш режимида девор орқали иссиқлик йўқотилиши иситиш тизимининг иссиқлик юкламасини 79-83% ини ташкил этади. Кундузги режимда ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш тизими орқали киритиладиган қуёш иссиқлик оқими умумий иссиқлик балансининг 28% ини ташкил этади, шаффоф қоплама орқали кирган қисми эса 40,8% га тенг бўлиши аниқланди. Шундай қилиб, кундузги режимда ҳавога иссиқлик-намлик ишлов беришнинг гелиоқиздириш тизимидан ва шаффоф тўсиқ орқали ўтган қуёш радиациясидан фойдаланиш натижасида 60-68% иссиқлик энергияси тежалади (1-жадвал).


Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ташқи ҳавонинг ўртача кунлик ҳарорати $t_r = -6^\circ\text{C}$ бўлган совуқ кунларда тунги режимда иссиқлик юкламаси 6,31 кВт га ортади, яъни 34% га кўпаяди ва 25,1 кВт га етади. Қарши шаҳри шароитида кундузги режимда иссиқлик юкламаси 8,89 кВт га камаяди ва 16,21 кВт ни ташкил этади (1-жадвал).

Диссертациянинг **“Иссиқхоналарда ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш учун гелиоқиздириш тизимини ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш”** деб номланган учинчи бобида тажриба қурилмасининг тавсифи, тажрибани ўтказиш услуги, комбинациялашган қуёш коллекторининг текис қувурида гидродинамика ва иссиқлик алмашинуви бўйича ўтказилган тажриба натижалари ҳамда натижаларни умумлаштириш асосида олинган эмпирик тенгламалар келтирилган.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, йилнинг иссиқ даврида гелиоиссиқхоналарда, айниқса куруқ-иссиқ иқлимли ҳудудларда иссиқхона ички ҳавосининг ҳарорати 35-40^oC гача етади. Тадқиқот ишида гелиоиссиқхона ички ҳавоси ҳароратини ўта қизишини бартараф этиш ва талаб этиладиган иссиқлик-намлик режимини яратиш учун гелиоқиздириш тизими таклиф қилинган.

Иссиқхоналарда анъанавий ёқилғи-энергия ресурсларини (табiiй газ, кўмир ва ҳ.к.з.) тежаш мақсадида ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш учун комбинациялашган қуёш коллекторли ва аралаштирувчи иссиқлик алмаштиргичли гелиоқиздириш тизими ишлаб чиқилган (8-расм).

Таклиф этилган гелиоқиздириш тизими иссиқхонани вентиляция ҳавосига иссиқлик-намлик билан ишлов бериш учун хизмат қилади ва ҳавони қиздириш, совитиш, қуритиш ва намлантиришни таъминлайди, шунингдек тизимдан бир вақтда иссиқхонани тупроқ ости иситиш ва томчили суғориш тизими учун қўшимча иссиқ сув олиш мумкин.





- 1-совуқ сув; 2, 4, 7, 8, 10, 13, 19, 21, 22, 23, 30, 31, 35-вентиллар; 3-совуқ сув учун идиш; 5-циркуляцион насос; 6-сув учун сарф ўлчагич; 9-комбинацияланган сув-ҳаво қуёш коллектори; 11-атмосфера ҳавоси; 12, 32-вентиллятор; 14, 15-ҳаво учун сарф ўлчагич; 16-фотоэлектрик ўзгартиргич; 17-аккумулятор; 18-қучланиш инвертори; 20-иссиқ сув; 24-ҳаво форсункаси; 25-пастки тарелка; 26-аралаштирувчи иссиқлик алмаштиргич; 27-насадка; 28-юқори панжара; 29-сув форсункаси; 33-эжектор; 34-намланган ҳаво.

8-расм. Иссиқхонада ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш учун аралаштирувчи иссиқлик алмаштиргичли гелиоқиздириш тизимининг принцинал схемаси.

Тажриба қурилмаси (9-расм) аралаштирувчи иссиқлик алмаштиргичли комбинациялашган сув-ҳаволи қуёш коллекторида иссиқлик ташувчининг турли тезлик ва сарфларида гидродинамик ва иссиқлик алмашинув жараёнларини моделлаштириш ва тажрибавий тадқиқот қилиш учун мўлжалланган.

Ҳавога иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимининг асосий иссиқлик-техник қурилмаси паст потенциалли ясси комбинациялашган қуёш коллектори (КҚК) ҳисобланади. 9-расмда ишлаб чиқилган комбинациялашган сув-ҳаво қуёш коллекторининг тажриба қурилмаси кўрсатилган.



1-қуёш коллектори корпуси; 2-сув қувири; 3-ҳаво қувири; 4-атмосфера ҳавоси; 5-вентилятор; 6, 10, 13, 15, 18-вентиллар; 7, 11-сарф ўлчагичлар; 8-сув; 9-циркуляцион насос; 12-иссиқ сув; 14-кенгайтирувчи бак; 16-исиган ҳаво; 17-дастлабки сув.


9-расм. Аралаштирувчи иссиқлик алмаштиргичли комбинациялашган сув-ҳаволи қуёш коллекторининг умумий кўриниши ва ўлчаш схемаси.

Қуёш коллекторининг ҳаво қувирида гидродинамик жараёнларни тажрибавий тадқиқотлари асосий параметрларнинг қуйидаги қийматлари оралиғида ўтказилган:

а) ламинар режимда: ҳавонинг сарфи $G_1 = 0,83 \dots 6,06 \cdot 10^{-4}$ кг/с, тезлиги $w_1 = 0,23 \dots 1,66$ м/с, ҳавонинг киришдаги ҳарорати $t_{\text{ҳаво}} = 20 \dots 40^\circ\text{C}$, девор ҳарорати $t_{\text{дев}} = 20 \dots 45^\circ\text{C}$, Рейнольдс сони $Re = 300 \dots 2200$.

б) турбулент режимда: ҳавонинг сарфи $G_1 = 0,29 \dots 0,65 \cdot 10^{-2}$ кг/с, ҳавонинг тезлиги $w_1 = 8,0 \dots 17,61$ м/с, ҳавонинг киришдаги ҳарорати $t_{\text{ҳаво}} = 20 \dots 40^\circ\text{C}$, Рейнольдс сони $Re = 10000 \dots 22000$.

Қуёш коллекторининг силлиқ қувурларида ҳавонинг ламинар ва турбулент оқим режимларида ва қуёш коллектори қувири деворининг ҳароратлари турлича бўлганда гидравлик қаршилик коэффиценти бўйича олинган тажриба натижалари 10-расмда $\xi = f(Re)$ график шаклида кўрсатилган.



10-расм. Ҳавонинг ламинар (а), турбулент (б) оқим режимларида ва турли ҳароратларида гидравлик қаршилик коэффиценти Рейнольдс сонига боғлиқлик графиги.

Ҳавонинг ламинар ва турбулент оқим режимларида қуёш коллекторининг силлиқ қувурларида олинган тажриба натижаларини умумлаштириш асосида гидравлик қаршилик коэффиценти аниқлаш учун қуйидаги эмпирик тенгламалар олинган:

ламинар оқим режимида:

$$\xi = \frac{61,91}{Re_{\text{хаво}}^{1,003}} \left(\frac{\mu_{\text{дев}}}{\mu_{\text{хаво}}} \right)^{1,312} \quad (11)$$

(11) формула $300 < Re < 2200$; $t_{\text{дев}} = 20 \dots 45^\circ\text{C}$; $t_{\text{хаво}} = 20 \dots 40^\circ\text{C}$; $0,95 < \mu_{\text{дев}} / \mu_{\text{хаво}} < 1,07$ ораликларда ўринли бўлиб, ҳисоблаш хатолиги $\pm 5\%$ ни ташкил этди.

Турбулент оқим режимида:

$$\xi = \frac{0,0838}{Re_{\text{хаво}}^{0,12}} \quad (12)$$

(12) формула $10000 < Re < 22000$; $t_{\text{хаво}} = 20 \dots 40^\circ\text{C}$ ораликларда ўринли бўлиб, ҳисоблаш хатолиги эса $\pm 6\%$ ни ташкил этади.

Қуёш коллекторининг сув қувурларида гидродинамик жараённи тажрибавий тадқиқотлари асосий параметрларнинг қуйидаги оралиғида ўтказилган:

а) ламинар режимда: сувнинг сарфи $G_1 = 0,83 \dots 6,06 \cdot 10^{-4}$ кг/с, тезлиги $w_1 = 0,23 \dots 1,66$ м/с, сувнинг киришдаги ҳарорати $t_{\text{сув}} = 20 \dots 40^\circ\text{C}$, девор ҳарорати $t_{\text{дев}} = 20 \dots 45^\circ\text{C}$, Рейнольдс сони $Re = 300 \dots 2200$.

б) турбулент режимда: сувнинг сарфи $G_1 = 0,107 \dots 0,16$ кг/с, тезлиги $w_1 = 0,6 \dots 0,9$ м/с, сувнинг киришдаги ҳарорати $t_{\text{сув}} = 20 \dots 45^\circ\text{C}$, девор ҳарорати $t_{\text{дев}} = 20 \dots 45^\circ\text{C}$, Рейнольдс сони $Re = 10000 \dots 15000$.

Сувнинг ламинар ва турбулент оқим режимларида қуёш коллекторининг силлиқ қувурларида олинган тажриба натижаларини умумлаштириш асосида гидравлик қаршилик коэффицентини аниқлаш учун қуйидаги эмпирик тенгламалар олинган:

ламинар оқим режимида изотермик оқимда ишқаланиш қаршилиги коэффицентини:

$$\xi = \frac{61,03}{Re^{1,01}} \quad (13)$$

Қувурларда суюқликнинг қовушқоқ ($GrPr < 8 \cdot 10^5$) ноизотермик оқимида ишқаланиш қаршилиги коэффицентини қуйидаги эмпирик тенглама бўйича аниқланди:

$$\xi = \frac{66,83}{Re} \left(\frac{\mu_{\text{дев}}}{\mu_{\text{сув}}} \right)^{1,16} \quad (14)$$

Тажрибалар асосида қуёш коллектори қувурларида суюқликнинг қовушқоқ-гравитацион ($GrPr > 8 \cdot 10^5$) ноизотермик оқимида ишқаланиш қаршилиги коэффицентини қуйидаги эмпирик тенглама олинди:

$$\xi = \frac{0,471}{Re_{\text{сув}}^{0,641}} \left(\frac{Pr_{\text{дев}}}{Pr_{\text{сув}}} \right)^{0,408} \left(\frac{Gr_{\text{сув}} Pr_{\text{сув}}}{Re_{\text{сув}}} \right)^{0,319} \quad (15)$$

(13)-(15) формулалар $300 < Re < 2200$; $t_{\text{дев}} = 20 \dots 45^\circ\text{C}$; $t_{\text{сув}} = 20 \dots 40^\circ\text{C}$; $0,95 < \mu_{\text{дев}} / \mu_{\text{сув}} < 1,07$ ораликларда ўринли ҳисобланади.

Турбулент режимда изотермик оқимда ишқаланиш қаршилиги коэффицентини қуйидаги ифода орқали аниқланди:

$$\xi = \frac{0,164}{Re_{\text{сув}}^{0,185}} \quad (16)$$


Тажрибалар натижаларини умумлаштириб, қувурларда суюқликнинг ноизотермик турбулент оқим режимида ишқаланиш қаршилиги коэффицентини қуйидаги эмпирик тенглама олинди:

$$\xi = \frac{0,204}{Re_{\text{сув}}^{0,207}} \left(\frac{Pr_{\text{дев}}}{Pr_{\text{сув}}} \right)^{0,33} \quad (17)$$

(16)-(17) формулалар $10000 < Re < 15000$; $t_{\text{дев}} = 20 \dots 45^\circ\text{C}$; $t_{\text{сув}} = 20 \dots 45^\circ\text{C}$; $3,925 < Pr_{\text{дев}}/Pr_{\text{сув}} < 7,02$ ораликларда ўринли. Ҳисоблашлар хатолиги 5% дан ошмайди.

Иссиқхона ҳавосига иссиқлик-намлик ишлов бериш тизимлари учун комбинациялашган сув-ҳаво қуёш коллекторининг иссиқлик режимини тажрибавий тадқиқотлари 9-расмда кўрсатилган тажриба қурилмасининг сув-ҳаво контурида ўтказилган.

Қуёш коллекторининг силлиқ қувурларида ҳавонинг ламинар ва турбулент оқим режимларида ва қуёш коллектори қузури деворининг ҳароратлари турлича бўлганда иссиқлик бериш коэффиценти бўйича олинган тажриба натижалари 11-расмда $Nu = f(Re)$ график шаклида кўрсатилган.



11-расм. Ҳавонинг ламинар (а), турбулент (б) оқим режимларида ва турли ҳароратларида иссиқлик бериш коэффиценти Рейнольдс сонига боғлиқлик графиги.

Ҳавонинг ламинар ва турбулент оқим режимларида қуёш коллекторининг силлиқ қувурларида олинган тажриба натижаларини умумлаштириш асосида иссиқлик бериш коэффиценти аниқлаш учун қуйидаги эмпирик тенгламалар олинган:

ламинар оқим режимида иссиқлик бериш коэффиценти аниқлаш учун мезонли тенглама:

$$Nu = 0,115Re^{0,34}Gr^{0,102} \quad (18)$$

(18) формула $10000 < Re < 22000$; $t_{\text{ҳаво}} = 20 \dots 40^\circ\text{C}$; $1827 < Gr < 10325$ ораликларда ўринли. Турбулент оқим режимида мезонли тенглама қуйидаги кўринишда олинди:

$$Nu = 0,0156Re^{0,81} \quad (19)$$

(19) формула $10000 < Re < 22000$; $t_{\text{ҳаво}} = 20 \dots 40^\circ\text{C}$ ораликларда ўринли.

Сувнинг ламинар ва турбулент оқим режимларида қуёш коллекторининг силлиқ қувурларида олинган тажриба натижаларини умумлаштириш асосида иссиқлик бериш коэффиценти аниқлаш учун қуйидаги эмпирик тенгламалар олинган:

ламинар оқим режимида қувурларда суюқликнинг қовушқоқ ($GrPr < 8 \cdot 10^5$) ноизотермик оқимида иссиқлик бериш коэффиценти қуйидаги эмпирик тенглама:

$$Nu = 0,126Re^{0,34}Pr^{0,44} \left(\frac{Pr_{\text{сув}}}{Pr_{\text{дев}}} \right)^{0,24} \quad (20)$$

Қувурларда суюқликнинг ковушқоқ-гравитацион ($GrPr > 8 \cdot 10^5$) ноизотермик оқимида иссиқлик бериш коэффициентлари куйидаги эмпирик тенглама:

$$Nu = 0,287Re^{0,34} Pr^{0,42} Gr^{0,04} \left(\frac{Pr_{сув}}{Pr_{дев}} \right)^{0,21} \quad (21)$$

(20)-(21) формулалар $300 < Re < 2200$; $t_{дев} = 20 \dots 45^\circ C$; $t_{сув} = 20 \dots 40^\circ C$; $3,925 < Pr_{сув} < 7,02$; $164000 < Gr < 473000$ ораликларда ўринли.

Турбулент оқим режимида:

$$Nu = 0,012Re^{0,86} Pr^{0,4} \left(\frac{Pr_{сув}}{Pr_{дев}} \right)^{0,25} \quad (22)$$

(22) формула $10000 < Re < 15000$; $t_{дев} = 20 \dots 45^\circ C$; $t_{сув} = 20 \dots 45^\circ C$; $3,925 < Pr_{дев}/Pr_{сув} < 7,02$ ораликларда ўринли бўлиб, ҳисоблашлар хатолиги $\pm 5\%$ ни ташкил этди.

Ҳисоблаш-тажриба тадқиқотлари асосида комбинациялашган сув-ҳаво қуёш коллекторининг иссиқлик техник параметрларини аниқлаш бўйича олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган. Тажриба натижалари шуни кўрсатадики, ишлаб чиқилган комбинациялашган қуёш коллектори “сув+ҳаво” қиздириш режимида ишлаганда иссиқлик ташувчиларнинг ҳарорати мос равишда $40 \dots 42^\circ C$ (ҳаво) ва $45 \dots 50^\circ C$ (сув) гача етиши аниқланди, яъни олинган натижалар иссиқхона ҳавосига иссиқлик-намлик ишлов бериш тизими учун мақбул параметрлар ҳисобланади.

2-жадвал

Комбинациялашган қуёш коллекторининг сув+ҳаво режимидаги тажриба тадқиқотлари натижалари

